


# **ЛУҚМОНИ ҲАКИМДАН ЎҒЛИГА 365 ЎГИТ**

Тошкент  
“Муҳаррир” нашриёти  
2013



УЎК: 61(575.) (09)

КБК 84(5) - Осие агад.  
Л 95

Л 95    Луқмони Ҳакимдан ўғлига 365 ўгит. Таржимон ва нашрга тайерловчилар Абдумурод Тилав, Ахмаджон Холмуродов.  
– Т.: “Муҳаррир” нашриёти, 2013. – 64 б.

ISBN 978-9943-25-245-5

Ушбу рисолани нашрга тайёрлашда Абдулоҳ Памукнинг  
“Lokman Hekim'den Oğluna Öğütler” китобидан фойдаланилди.


Шунингдек, турли манбаларда Луқмони Ҳакимга нисбат берилган ҳикматлар жамланди. Бинобарин, уларнинг айримларида мазмун ҳамоҳанглиги, ўхшашик бўлиши табий.

Одоб-ахлоқ, табобат ва иқтисодга оид ўғитлар жамланган бу мўъжазигина рисола барча китобхонлар учун фойдали бўлиши шубҳасизdir.

Масъул муҳаррир:  
**Абдулла Улугов,**  
филология фанлари номзоди, ЎзМУ доценти

Тақризчилар:  
**Жумали Шабанов,**  
филология фанлари номзоди, ТДШИ доценти

**Тожиҳон Собитова,**  
филология фанлари номзоди, ЎзМУ доценти



ISBN 978-9943-25-245-5

N1 31827  
Ogi

© "Muҳarrir" нашриёти,  
Тошкент, 2013 й.

## СҮЗ БОШИ

Алишер Навоий “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асарида ёзадилар: “Чун Луқмоннинг ҳикмати ва нубуввати орасида ихтилофдир. Ва аксар ани набий дебдурлар. Анбиё зумрасида битилди ва ҳукамо орасинда мазкур қилинди. Ва андин бир-ики сўз била мазкур қилинур. Ул дебдурки: “Барча юкни торттим, бурчдан оғирроқ юк кўрмадим ва барча лаззатни топтим, оғиятдин (соғлиқ, тинчлик, хотиржамликдан) чучукрок шарбат топмадим...” Андин сўрдиларким: “Нимадурким, фойдаси барча халойикка теяр?” Дедиким: “Ёмонларнинг йўклиги”.

Дарҳақиқат, Луқмони Ҳаким ҳақида турли манбаларда баъзан бир-бирини тасдиқловчи, айрим ҳолларда эса инкор этувчи маълумотлар учрайди.

Луқмони Ҳакимнинг аслида кора танли қул бўлгани, ноёб истеъоди, фаҳм-фаросати, зукколиги туфайли озод бўлгани ва табобат илмини эгаллаб, эл орасида шуҳрат қозонгани аниқ.

Луқмони Ҳакимнинг бир вайронга кулбада умргузаронлик қилгани, яъни дунёга майл кўрсатмагани, “дунё айни бирла иши йўқ”лиги айтилади. Бу ҳолнинг сабабини сўраганларга Луқмони Ҳаким куйидагича жавоб беради:

*Жавоб айтти пири озмузгор:*  
*“Ки вайрона ичра узун рўзгор*  
*Бу ким чугз янглиг басар айладим,*  
*Согиндимки даги зарар айладим*  
*Ки чун қилмадим майл оламга ҳеч,*  
*Мени даги солмагай гамга ҳеч.*  
*Муни кўрки, даврондин элтур чоги*  
*Олур мендин ушибу бузугни доги.*  
*Жаҳондин неча эл ҳаросон эрур,*  
*Анинг ранжишин маҳлас осон эрур”*

(Ул пири комил жавоб бердики, бу вайронга ичиди бойқуш янглиғ узоқ вақт яшадим. Дунёга майл кўрсатсан, зарар

қилдим. Инчунун, мол-мулк, дунёга муҳаббат қўймадим, мени ғамга солмасин дедим. Қарагин, бу дунёдан кетар чоғим шу бузилган кулбамни ҳам мендан оляпти-ку! Дунёда ҳадик-қўркув, саросима биланяшагандан кўра, унинг ранж-машаққатидан кутилмоқ осонрок ).

Манбалардаги маълумотлар бу зот умрини инсоният саодати, нажоти йўлида, эзгуликлар билан ўтказганлигини тасдиқлайди. Зоро, комилликнинг мухим белгиларидан бири шу эмасми? Шамнинг атрофни, зулматни ёритиб, эвазига ўзи тугаши ҳам унинг саодати эмасми?

Ҳаётий тажрибадан ўтган бир ҳикмат бор: панд-насиҳат унга амал қилган инсондан эшитирса, тингловчига таъсири бўлади. Луқмони ҳаким ҳикматларининг неча йиллардан бери инсонлар орасида машҳур бўлиб келаётгани, бир неча тилларга таржима қилинаётгани, мўътабар мумтоз асарларда унинг сўзларидан иктибослар олинаётгани боиси шудир балки?

*Азиз ҳикмат шайдолари!*

Луқмони ҳаким сўзларидан сараланган ушбу тўплам соғлом, фаровон турмушингизга, руҳиятингизга яна-да файз бағишлишидан умидвормиз.

Ҳазрат Алишер Навоий айтганлариdek:

*Агар ҳикматга бўлса илтифотинг*

*Ки Нуҳ умрича бўлсин ҳаётинг!*

Қалбингиз, йўлингиз, уйингиз ва ўйингиз ҳикмат нури ила тўлсин, азиз ўқувчи.

Абдумурод Тилавов,  
филология фанлари номзоди, ЎзМУ доценти

\* 1 \*

Эй, ўғлим! Саломатлик бебаҳо бойлик, гўзal  
ахлоқ бекиёс неъматдир.

\* 2 \*

Азиз дилбандим! Шубҳа йўқки, агархантал  
(ўсимлигининг) уруғидек (яхши ёки ёмон амал  
қилинадиган) бўлса, бас, у (амал) бирор харсанг  
тош ичида ё осмонда ёки ер остида бўлса ҳам  
Аллоҳ албатта, уни билур. Зеро, Аллоҳ марҳамати  
бекиёс ва ҳамма нарсадан ҳамиша огоҳ зотдир.

\* 3 \*

Азиз фарзанд! Даромадингга қараб, харажат кил.  
Тежамкор бўл. Аммо зиқна бўлма. Ҳар ишда мўътадил  
бўл ва ўрта йўлни танла. Сахийликни одат қил.

\* 4 \*

Одамларга юзингни буриштирма. Ҳеч қачон  
кеқкайиб, керилиб юрма! Чунки Аллоҳ такаббур ва  
мактанчоқ кимсаларни сўймайди. Ерга қараб, вазмин-  
лик билан юргин ва ҳеч қачон овозингни кўтарма!

\* 5 \*

Ҳеч қачон бирор тўғрисида ёмон гумон қилма.  
Ёмон гумон сени ҳеч кимга дўст қилмай қўяди.

\* 6 \*

Ўғлим! Имкон қадар баҳс-жанжалдан сақлан!  
Дунё ишлари учун ортиқча ғам ема.

Жаҳлинг чиққанида сўзларингта диққат қил...  
Катталардан олдинда юрма. Бирор гапираётганида  
орага гап суқма.

\* 7 \*

Азиз дилбандим! Катталар билан таплашаёт-  
ганда ҳар бир сўзингта эҳтиёт бўл. Қариндошлар  
билан алоқани узма.

\* 8 \*

Ўғлим! Яхшилик қилган яхшилик топади,  
сукут сақлаган саломатликка эришади, ширин  
сўзлаган фойда кўради, ёмон гапирган гуноҳкор  
бўлади, тилига ҳоким бўлмаган пушаймон ейди.

\* 9 \*

Ўғлим! Дўстларингга ҳам, душманларингга  
ҳам очик юз билан қара. Ҳеч кимга қовоғингни  
уйма. Дўстларингга хурмат-эҳтиром кўрсат, иззат-  
икром қил.

\* 10 \*

Болам! Ёшлигинги ғанимат бил. Ишларингда  
ақлли ва илм соҳиби бўлган кишилар билан  
маслаҳатлаш.

\* 11 \*

Эй, ўғлим! Ҳақ таолога итоат қил. Аввало  
ўзингга насиҳат қил. Бошқаларга тавсия қиладиган-  
ларингга аввал ўзинг амал қилгин. Билиминг,  
холингга қараб сўзла.

**• 12 •**

Болатинам! Бошқаларга мұхтож эканингни билдирма. Бундай қилишинг бойлиқдир. Очкүзликдан сақлан. Зеро, очкүзлик камбағалликдир.

**• 13 •**

Болажоним! Сенга икки нарсаны тавсия этаман. Буларга риоя қылсанг, доимо яхшилик узра бўлурсан. Бири – тирикчилигинг учун ҳамиша зарур пулинг бўлсин. Иккинчиси – ҳеч кимдан ҳеч қачон қарздор бўлиб қолма.

**• 14 •**

Азиз дилбандим! Ёмон кимсаларга дуч келсанг Аллоҳ таолога сифин. Шу тариқа одамларнинг энг яхшиси бўласан.

**• 15 •**

Ўғилгинам! Дунёга кўнгил боғлама! Унга ишонма. Зеро, сен бунинг учун яратилмагансан.

**• 16 •**

Азиз дилбандим! Саккиз нарсага дикқат қилган киши аввалгилар ва кейингиларнинг илмига эришган бўлади. Булар – тўрт пайтда тўрт нарсани қўриқламоқ, икки нарсани эсдан чиқармаслик, икки нарсани батамом унутмоқдир. Қўриқланадиган нарсалар: намозда кўнгилни, халқ орасида тилни, ёб-ичаётганда томоқни, бирорнинг уйига кирилганда у ёқ-бу ёққа қарамаслик (кўзни асраш)дир.

Эсдан ҳеч қачон чиқарилмайдиган нарсалар: Аллоҳ таолонинг буюклиги ва ўлим ҳақ эканлигидир.

Унудилиши лозим нарсалар эса: бирорга қилинган яхшилик ва ўзига қилинган ёмонликдир.

### \* 17 \*

Эй, ўғлим! “Раббиғирлий” (Раббим, мени мағфират эт...) дуосини кўп ўқигин. Зоро, шундай вақт борки, Аллоҳ таоло ўша вақтда дуогўйни тилагига етказади.

### \* 18 \*

Эй, ўғлим! Қайғуга ботма, ғамгин бўлма. Одамларнинг кўлидаги нарсаларга кўз тикмоқдан сақлан. Қазойи қадарга рози бўл. Ўзингга берилган ризққа қаноат кил.

### \* 19 \*

Ўғлим! Ёлғон гапиришдан жуда эҳтиёт бўл. Чунки ёлғон динингни бузади ва одамлар олдида обрўсизлантиради. Натижада, эътибор ва даражангни йўқотасан.

### \* 20 \*

Ўғлим! Қарздор бўлиб қолишдан сақлан. Қарздор бўлиб қолсанг, кундузи зулматда юрасан, кечаси ғам ичидаги тўлғонасан.

### \* 21 \*

Эй, ўғлим! Аллоҳ таоло гуноҳларим учун мени жазоламайди, дея хомтама бўлма. Аммо раҳматидан ҳам умид узма.

## **❷ 22 ❸**

Эй ўғилгинам! Намозни тұла-түкис адо эт, яхшиликка интил ва кишиларни ёмонликдан қайтар ҳамда ўзингга етган (балоларга) сабр қил! Бу энг олижаноб ишлардир.

## **❷ 23 ❸**

Эй, ўғлим! Ҳалол тирикчилик қилиб, йўқсилликдан сақлан. Камбағал кимса уч мусибатга дучор бўлади:

1. Дин заифлиги, чунки факирлик кишини ёмонликка бошлайди.
2. Ақл заифлиги, чунки эҳтиёж кишини шошириб қўяди.
3. Мурувват ва одамгарчилиги йўқолади. Булардан ҳам ёмони одамларга масхара бўлади.

## **❷ 24 ❸**

Эй, ўғлим! Хулқи ёмон хотинлардан эҳтиёт бўл. Чунки улар сени барвақт қаритади. Уларнинг ёмонлигидан сақлан. Зеро, улар яхшилик келтирмайди.

## **❷ 25 ❸**

Эй нури дийдам! Дунёда ўзингга етадиган қадар насибангни ол. Акс ҳолда, бошқаларга муҳтоҷ бўласан, қўлларига қараб қоласан.

## **❷ 26 ❸**

Эй, ўғлим! Сукут қилсанг, пушаймон бўлмайсан. Сўз кумуш бўлса, сукут олтиндир.

\* 27 \*

Болам! Ота-онанинг фарзандини тарбиялаш учун насиҳат қилиши, урушиши, уриши зироатга сув бермоқ кабидир.

\* 28 \*

Эй, ўғлим! Аллоҳга ширк келтирма! Чунки ширк улкан гуноҳдир.

\* 29 \*

Болам! Тавбани эртага қолдирма. Чунки ўлим ногаҳон келиб қолади.

\* 30 \*

Эй, кўзимнинг нури! Дунёнинг қувонч ва лаззатларини тажрибадан ўтказдим. Илмдан лаззатли нарса тополмадим.

\* 31 \*

Эй болам! Зинҳор қадрингни билмайдиганларнинг олдига борма. Ота-она хизматини қил. Ҳакирни таҳқирлама. Кибрга берилма. Аллоҳ таоло Рофиъ ва Ҳофиз (улуғлагувчи ва пасайтирувчи)дир. Зеро, У ҳакирни азиз, факирни бой айлайди. Тиласа, азизни залилга, бойни факирга айлантиради.

\* 32 \*

Эй, азиз фарзанд! Очиқ чеҳрали, тўғри сўзли бўл. Саломлашишга одатлан.

**\* 33 \***

Ўғлим! Киши хасис бўлса, у ҳакида ёмон гап-сўз кўпаяди.

**\* 34 \***

Эй, ўғлим! Оз мол оқилона сарф-харажат ила кўпаяди. Кўп мол беҳуда сарф-харажат оқибатида камаяди.

**\* 35 \***

Эй, ўғил! Бирорга ҳасад қилган изтиробдан кутулмас.

**\* 36 \***

Азиз фарзанд! Қаноатли бўлсанг, дунёда сендан бой одам бўлмайди.

**\* 37 \***

Ўғлим! Ўлим ҳак эканига шубҳа қилаётган бўлсанг, ухлама. Ухлаганинг ва ухлашга мажбур бўлганинг каби ўлимга ҳам маҳкумдирсан. Тирилишдан шубҳа қилаётган бўлсанг, уйқудан уйғонма. Уйқудан уйғонганинг каби ўлгандан кейин ҳам тирилгайсан.

**\* 38 \***

Эй, ўғилгинам! Бир хатога йўл кўйсанг, албатта, дарҳол тавба қил ва садақа бер.

**\* 39 \***

Эй, ўғлон! Дунё тубсиз денгизга ўхшайди. Кўп кишилар унга чўқдилар. Тақво – кеманг, имон – юкинг, таваккул – ҳолинг, солиҳ амал озуқанг

бўлсин. Қутулсанг, Аллоҳ таолонинг раҳматидан, чўксанг – гуноҳинг сабабидандир.

\* 40 \*

Ҳар қандай касалликнинг бошланиши оч қолмасдан таом емоқдир.

\* 41 \*

Ичкилик шифо эмас, аксинча касаллик ва ифлосликларнинг онасидир.

\* 42 \*

Кўп сув ичмок кўп уйқу келтирад. Кўп ухлаш эса ўлимга элтар.

\* 43 \*

Ухлаётганида ширинлик еганнинг туши ҳам ширин бўлур.

\* 44 \*

Эй, ўғлим! Тилингни қуфр – ёмон сўзлардан сақла, садакани тарқ этма. закотни тўлик бер, рўзани тут, ибодатингни ташлама, шаҳодат калимасини тилингдан қўйма.

\* 45 \*

Ўғлим! Катталар билан тортишма! Мусибатга сабрли, кишилар олдида камтар бўл.

## • 46 •

Касал бўлмаслик учун:

1. Кўп ема.
2. Иссик ема.
3. Хом ема.

## • 47 •

Ўғлим! Меъдангни овқатга тўлдирма. Акс ҳолда ақлинг, фаҳм-фаросатинг ноқис бўлади.

## • 48 •

Эй, ўғлим! Доимо соғлом бўлай десанг, шу саккиз нарсага диққат қил:

1. Кундузи кўп ухлама.
2. Кечаси оз ухла.
3. Пешобни ушлаб ўтирма.
4. Кечаси кўп сув ичма.
5. Бўккунча овқат ема.
6. Оч қолмасанг дастурхонга ўтирма.
7. Озгина овқатга қаноат қил.

## • 49 •

Болажоним! Ошқозон тўлса, фикр ухлайди, ҳикмат сукутга кетади, аъзо ибодатдан қолади.

## • 50 •

Эй, ўғил! Кўринишда солиҳ (яхши), ичидан фожир (ёмон) бўлмагин.

## • 51 •

Эй, азиз фарзанд! Саодат нишонаси түрттадир:

1. Тұғрилик.
2. Одоб.
3. Мулойим мұомала.
4. Омонатта хиёнат қилмаслик.

## • 52 •

Эй, ўғил! Одамларга ваъз-насиҳат беріб ўзингни унутма. Билганингга амал қилки, ажрасавобга эришасан.

## • 53 •

Одоб насл-насабдан, амал мол-давлатдан, илм дунё аҳлидан устундир. Молинг билан мақтанма.

## • 54 •

Оёқ кийимингни кийишни ўнг оёғингдан, ечишни чап оёғингдан бошла.

## • 55 •

Ўғлим! Бекорчи, беъмани одамларнинг ёнида ўтирма. Ўзингдан катталар билан ҳазиллашма.

## • 56 •

Ўғлим! Аҳмоқ билан ошно бўлма. Иккиюзламачи кишига итоат этма.

## • 57 •

Эй, ўғил! Сен тақвони сармоясиз фойда келтирувчи тижорат воситаси қил.

\* 58 \*

Ўғилгинам! Олимлар билан ҳамсухбат бўл. Донишманднинг ҳикматли сўзларига қулоқ сол, яхшилаб эшит. Зеро, Аллоҳ мўл ёмғир билан ўлик тупроқни яшнатгани каби ҳикмат нури ила ўлик қалбни тирилтирур.

\* 59 \*

Ўғилгинам! Не ҳолки, одамлар уларга ваъда қилинганлардан қўрқмаяптилар. Ҳолбуки, ҳар куни уларнинг умри қисқармоқда.

\* 60 \*

Ўғлим! Яхшиларга қул бўл, ёмонларга дўст бўлма. Яхшилик қилувчилар барчани ўзига дўст қилади. Дўстингни мушкул пайтда сина.

\* 61 \*

Болажоним! Дунёдан эҳтиёжингга ярашасини ол. Дунёга батамом ўзингни бермагинки, охиратингга зарар берур. Дунёни ҳам батамом ташлаб, ундан юз ўгирмагинки, бошқаларга муҳтоҷ бўласан. Шаҳватингни пасайтирадиган даражада рўза тут.

\* 62 \*

Ўғлим! Яхшиликни қадрингни биладиган кишига қил. Бўри билан қўй ўртасида дўстлик бўлмагани каби яхшилик қилган кишилар билан гуноҳкор кимсалар ўртасида дўстлик бўлмас.

### **\* 63 \***

Ўғилгинам! Болангни кичик ёшидан одобли, тарбияли қилиб ўстирсанг, улғайганингда фойдасини кўрасан.

### **\* 64 \***

Ўғлим! Саҳарларда қичқираётган хўроздан-да ожиз бўлма. Зеро, хўroz Аллоҳни зикр этмоқда. Ваҳоланки, сен бу пайт ётогингда ухламоқдасан.

### **\* 65 \***

Олим Ер юзи аҳолиси орасида худди олтин маъдан ичидаги бўлганига ўхшайди.

### **\* 66 \***

Эй, ўғлим! Жанозаларда ҳозир бўл, зиёфатларга худа-бехуда борма. Чунки жанозалар сенга охиратни эслатади. Зиёфатлар дунёга берилишинг ва иштаҳангни ортиради.

### **\* 67 \***

Ўғлим! Мен тошни, темирни елкамда ташидим, аммо ёмон қўшнидан-да оғирроқ юқ ташимадим. Оғриқларнинг барчасини тотиб кўрдим, бироқ камбағалликдан-да азоблисини кўрмадим.

### **\* 68 \***

Эй, ўғлим! Ҳасадгўйнинг уч аломати бор:

1. Ўртоғининг орқасидан ғийбат қиласиди.
2. Юзма-юз келганда ялтоқланади.
3. Ўртоғининг бошига кулфат тушса севинади.

## ❀ 69 ❀

Эй, нури дийдам! Дунё қисқа бир фурсатдир.  
Сенинг умринг дунё олдида бир заррадир. Шундай  
экан, умрингдан қолгани оздан янада оздир.

## ❀ 70 ❀

Эй, ўғлим! Олтин олов билан, яхши – солиҳ  
киши эса бало билан синаб курилади. Аллоҳ баъзан  
бир қавмни севганида бало юборади. Аллоҳдан  
келганига рози бўлганлар учун Унинг розилиги бор.  
Келган балога жаҳл қилганларга эса Аллоҳнинг  
ғазаби бор.

## ❀ 71 ❀

Ўғилгинам! Кўп кулишдан саклан. Зеро, кўп  
кулмоқлик қалбни ўлдиради.

## ❀ 72 ❀

Луқмон алайҳиссалом айтадики:

– Эй, ўғил! Ўлик қалбни тирилтиrmоқ учун  
үн ҳикматга амал этмоғинг лозим:

1. Фақир ва мискинлар билан бирга ўтиrmоқ.
2. Дунёпарастларнинг мажлисларидан саклан-  
моқ, улардан узоқ бўлмоқ.
3. Бечораларга ёрдам қўлинни узатмоқ, уларга  
ҳамдард бўлмоқ.
4. Қулларни озод қилиб, уларга эркинлик бермоқ.
5. Фарибларни меҳмон қилмоқ.
6. Мол билан саховат қилиб, камбағалларни  
бойга айлантиrmоқ.

7. Илмга амал этувчи олимларни ҳурмат қилмоқ.
8. Қарияларга ҳурмат кўрсатиб, уларнинг дуосини олмоқ.
9. Яхшиликка даъват этмоқ, ёмонликдан қайтармоқ, амалини ихлос ила бажармоқ.
10. Ибодатни жаннат умиди ёки жаҳаннамдан кўркиш туфайли эмас, Аллоҳга муҳаббат қўйиб ихлос билан адо этмоқ.

**\* 73 \***

Ўғлим! Ишларингда фақат олимлар билан маслаҳатлаш. Олим жоҳилни билади. Чунки у аввал жоҳил эди. Жоҳил олимни танимайди. Чунки у олим бўлмади.

**\* 74 \***

Болагинам! Тиланиб юзингни шувут қилма. Оламга шарманда бўлиб, одамларга жаҳлингни тўкиб солма. Ўз қадр-қимматингни билки, ҳаётнинг сенга фойдаси бўлсин.

**\* 75 \***

Фарзандим! Кийимлари эски бўлгани учун ҳеч кимсани ҳақир кўрма. Зеро, унинг ҳам, сенинг ҳам Раббингиз бирдир.

**\* 76 \***

Эй, азиз фарзанд! Энг аввало иймонинг, сўнгра солих бир дўстинг бўлсин. Зеро, яхши дўст ҳурмо дарахтига ўхшар. Остида ўтиранг, соя солади. Ўтин қилиб ёқсанг, иситади. Мевасидан есанг, баҳра оласан.

\* 77 \*

Болам! Раҳм қилғанга доим раҳм қилинади. Кимки ўрнида тишини тийса, саломат бўлади. Ким яхши гапирса ва яхши ишлар қилса, албатта, бой бўлади. Ким ёмонлик қилса ва ёмон гапирса, гуноҳкор бўлади.

Тилига эгалик қилмаган кимса пушаймон бўлади.

\* 78 \*

Эй кўзимнинг қувончи, ўғлим! Ўзингдан ўзинг беҳудага ғамгин бўлма. Хафагарчилик ила қалбингни банд этма. Очкўзлиқдан саклан.

\* 79 \*

Ўғлим! Хайр-ҳасанотингни ҳақиқий муҳтожларга бер. Пулингни нолойиқ кимсаларга бериб, исроф қилма – дунёда зарар, охиратда савобдан маҳрум қолурсан.

\* 80 \*

Азиз дилбандим! Ёмон феълдан, кўнгли торлиқдан, сабр озлигидан саклан. Бундай иллати бор кимсалар билан дўстлашмок дуруст эмас. Бундайлардан узоқ юр. Ишларингни иштиёқ билан бажаришни одат қил... Одамлар билан яхши муомалада бўл. Ахлоқингни чиройли қил. Очик чехрали бўл.

\* 81 \*

Ўғлим! Гуноҳ қилишинг учун сенга журъат ва жасорат бермаслигини сўраб, Аллоҳга илтижо қил.

Аллоҳдан шундай қўрқув ила қўрқинки, сени раҳматидан маҳрум этмасин.

\* 82 \*

Ўғлим! Билганларингга амал қилмай туриб, билмаганларингни ўрганишта ошиқма.

\* 83 \*

Болагинам! Сен дунёга келган кундан бошлаб, унга орқа ўгириган, охиратга юз бургансан. Яқинлашаётган уйингга (охиратга) кундан-кун узоклашаётган уйингдан (дунёдан) яқинроқсан.

\* 84 \*

Эй, ўғлим! Ҳикматни маҳкам тутки, у билан иззат-икром топарсан. Ҳикматни эъзозлаки, сен ҳам унинг каби азиз бўлгайсан.

Ҳикмат – ахлоқнинг энг юксаги ва улуғи, Аллоҳ азза ва жалланинг Ҳақ динидир.

\* 85 \*

Эй, ўғил! Ҳикмат мискин-бечорларни малик-подшоҳларнинг мажлисига қадар олиб боради.

\* 86 \*

“Ёмонлик фақат ёмонлик ила сўндирилади”, дегувчи кимса ёлғон айтибди. Агар бу сўзнинг эгаси тўғри гапираёттанини илдао этаётган бўлса, ёнаётган олов ёнига яна бир олов ёқсин-чи қўрамиз: бу икки оловдан бири иккинчисини ўчирадими? Шундай экан, сўзнинг тўғриси: “Ёмонлик фақат яхшилик билан бартараф этилади. Чунки олов олов билан эмас, сув билан сўндирилади”.

**• 87 •**

Луқмони Ҳакимдан сўрадилар:

— Одамларнинг энг ярамаси, энг ёмони ким?

— Одамларнинг ёмонлик қилаётганлигини кўра туриб, кўрмасликка олган, бепарво, лоқайд бўлганидир, — дея жавоб берди Луқмони Ҳаким.

**• 88 •**

Юксак шараф ва мартаба ақлнинг камолига боғлиқдир. Ақли комилнинг айб-нуқсонлари пардаланган, хатти-ҳаракатлари тартиблидир.

**• 89 •**

— Энг бой одам ким?

— Ақли жойида бўлган одам.

**• 90 •**

— Қайси ўт (олов) теккан одамни куйдиради?

— Ҳасад ўти.

**• 91 •**

— Аввали аччиқ, охири ширин нарса нима?

— Сабр.

**• 92 •**

— Аввали ширин, охири аччиқ нарса-чи?

— Шошилиш.

**• 93 •**

— Табиблар давосини тополмаган касаллик нима?

— Аҳмоқлик.

\* 94 \*

Тўрт нарса тўрт нарсага эриштиради.

1. Сукут инсонни саломатликка етказади.
2. Яхшилик кишини хотиржам қиласди.
3. Сахийлик обрў-эътиборни орттиради.
4. Шукур неъматга барака беради.

\* 95 \*

Ўғлим! Ёшлиқда қийинчиликка бардош берсанг, қариганингда роҳатда яшайсан.

\* 96 \*

Эй, жигарбандим! Бирорга насиҳат қилмасдан олдин у тавсияга ўзинг амал қилгин.

\* 97 \*

Эй, азиз фарзанд! Унутмаки, кибр ва ғазаб тақаббур ва баджаҳл кишининг бошига мусибатлар келтиради.

\* 98 \*

Ўғилгинам! Дўстларингни ёмон сўзлар билан ранжитиб қўйма. Болта одамнинг вужудини, аччик сўз жонини яралайди.

\* 99 \*

Эй, азиз фарзандим! Бир ишни хушмуомалик билан талаб этмоқ илмнинг ярмидир.

Одамларга бўлган меҳринг ақлнинг ярмидир.

Тирикчиликда тадбирли бўлмоқ даромаднинг ярмидир.

■ 100 ■

Эй, болажоним! Сенга жуда кўп ўгитлар бердим. Агар бу ўгитларни тоқقا берсам эди, тоғ парча-парча бўлур эди.

■ 101 ■

Ўғлим! Дунё чукур денгиздир. Бир неча кимса дунё денгизида чўқдилар. Шундай экан, дунё денгизида тақво (Аллоҳ кўркуси) сенинг кеманг бўлсин.

У кеманинг ичидаги керакли ашё имонинг бўлсинг. Шундай йўл тутсанг балки қутулгайсан. Менга бошқа йўл кўринмаяпти.

■ 102 ■

Болам! Ёмон ўртоғи бор бўлганлар асло саломат бўлмайди. Бир кимса ёмон жойларга бораверса, тухмат остида қолади.

■ 103 ■

Ўғлим! Дунёдан эҳтиёжингта ярашасини ол. Дунёга бутунлай ўзингни топшириб қўйма – охиратингга заар беради. Дунёни ҳам батамом ташлаб қўйма, ундан юз ўтирма – қашшоқлашиб, бошқаларга юк бўласан. Шахватингни тўсадиган қадар рўза тут. Сени намоздан қолдирадиган қадар ҳам тутма. Зоро намоз нафл рўздан устун бир ибодатdir.

### **\*104\***

Азиз дилбандим! Илмни олимлар олдида ифтихор сабаби бўлиши учун ўрганма. Илмни калтафаҳм, жоҳиллар билан тортишиш учун ҳам ўрганма. Мақсадинг йиғинларда марсиялар айтиш ҳам бўлмасин. Зоҳидликка кизиқиб (дунёга қўл силтаб) ва жоҳилликка рағбат этиб илмни ташлаб кўйма.

### **\*105\***

Болам! Яхшиликни унинг қадрига етадиганларга қил. Бўри билан қўй орасида дўстлик бўлмагани каби яхшилик соҳиблари билан гуноҳкор кимсалар орасида дўстлик бўлмайди.

### **\*106\***

Ўғлим! Ушбу тавсияларимга амал қилсанг, қавмингнинг эътиборли одамига айланасан:

Яқинларинг ва бегоналар билан ҳам хушмуомалада бўл. Яхшига ҳам ёмонга ҳам жаҳлингни билдирма. Ўртоқларингни ҳимоя қил. Қариндошуругларингни зиёрат эт. Улар ҳақида миш-миш гап олиб келадиганларнинг сўзларига эътибор берма. Яқинларингни бундай сўзлардан эҳтиёт қилки, орангиз бузилмасин. Бундай кимсалар орангизни бузишга интиладилар. Шундай дўстлар орттирики, бир-бирингиздан айрилганингизда на сен уларни, на улар сени айблашмасин, орқангдан гапиришмасин.

### **\*107\***

Болам! Қандай ухласанг, шундай ўласан, уйқудан уйғонганинг каби қабрингдан тургайсан. Доимо яхши амаллар қилки, уйқунг ва уйғонишинг келинники каби бўлсин.

Зинҳор ёмон амал қилма! Акс ҳолда уйғонган пайтинг ўзингни ўлимига фармон чиқарилган жиноятчининг қўрқуви ичида топасан.

### **\*108\***

Ўғилгинам! Бўлар-бўлмасга хафа бўлаверма. Ғам-қайғулар билан қалбингни машғул этма. Оч-кўзликдан саклан. Тақдирга розилик кўрсат. Аллоҳ сенга ажратганига қаноат қилки, ҳаётинг нурафшон, кувончили бўлгай. Дунё тўпламоқчи бўлсанг, бош-каларнинг қўлидагига кўз тикма. Пайғамбарлар ва сиддиқлар, улуғ мақомга таъмагирликдан тийилганлари туфайли ҳам етишганлар.

### **\*109\***

Эй, фарзанд! Хайр ва ҳасанотингни ўз ахлига бер. Пулингни ноўрин сарфлаб ҳам дунёнг, ҳам охиратингга зарар берасан, савобдан маҳрум қоласан. Тежамкор бўл, исрофдан қоч. Зиқналик билан мол тўплама, молингни сочиб-совурма ҳам.

### **\*110\***

Лукмони Ҳакимдан:

- Бу ҳикмат ва мартабага қандай эришдингиз?
- дея сўрадилар.

— Сўзда тўғрилик, омонатга риоят, бекорга, ноўрин гапирмаслик, менга лозим бўлмаган нарсаларга аҳамият бермаслик билан, — дея жавоб берди Луқмони Ҳаким.

### \*111\*

Оқил кимсага ярашадиган оила аъзолари орасида бола каби бўлиш, одамлар орасида жиддий, викорли бўлиш.

### \*112\*

Душман душманликдан ожиз қолгач дўстликка бошлайди. “Дўст” бўлиб шундай ишлар киладики, буларни юз душман ҳам қилмайди.

### \*113\*

Эй Одам фарзанди! Ё олим, ё талаба ёхуд илмни севувчи бўлиб тонг оттир. Зинҳор буларнинг тўртинчиси бўлмаки, ҳалок бўласан.

### \*114\*

Устун шараф ақлнинг баркамоллигига боғлиқ. Ақли комилнинг айб-нуқсонлари, хатти-ҳаракатлари тартиблидир.

### \*115\*

400 ҳикмат ўқидим; ҳаммасидан тўрт насиҳат (ибрат) олдим. Иккитасини унутдим, иккитаси эсимда, хеч хотирамдан чиқмайди.

1) Халқ (одамлар) сенга қилган жафони (ёмонликни) ва сен халқка қилган яхшиликларни унугтишинг лозим;

2) Аллоҳ ва ўлимни ҳеч қачон ёдингдан чиқар-  
маслигинг керак.

**\*116\***

Буни тақдир дейдилар: мабодо камбағал бўлиб  
қолсанг, зинҳор ҳолингни ҳаммага ошкор этмаки,  
сени таҳқирламасинлар. Сен тилак-мақсадингни  
фақат Аллоҳдан сўра. Аллоҳдан сўраб орзусига  
етмаган кимса борми?

**\*117\***

Эй нури дийдам! Дунёда тоат-ибодатга ҳам  
ғайрат қилки, охиратда сенга йўлдош бўлсин.  
Дунёни батамом тарк этма! Ҳалолидан ризқ ишлаб  
топки, ҳеч кимга муҳтож бўлмагайсан. Зоро, бола-  
чақанинг нафақаси эркакнинг зиммасига юклатил-  
ган. Баъзан егин, баъзан рўза тут, чунки рўза  
шаҳватни тўсади...

**\*118\***

Одоб насабдан, амал молдан ва илм бутун  
дунё ва ичидагилардан яхшидир (устундир).

**\*119\***

Ҳасад қилмагин. Бирвлар оркасидан ёмон-  
ламагин. Агар сенга ёмонлик қилсалар кечиримли  
бўлгин, яхшилик кўрсанг шукур қилгин, офат ва  
балоларга тушганингда сабрли бўлгин. Кўз ёшинг-  
ни тия билгин, ғайрликдан ҳазар қил, касалмандлар  
зиёратини канда қилмагин, жаноза намозларида  
ҳозир бўлгин, мусибатзадалар кўнглини сўрагин.

Фақирлар ва муҳтоҷларнинг бойишига қўмакчи бўл, карз сўраганлардан пул-молингни аямагин ва уларга хижолат бўлмайдиган мухлат бер.

\* 120 \*

Ўтганларни ёмонлик билан ёд этмагин.

\* 121 \*

Болажоним! Бир хато қилганингда бир нон увоғи бўлса-да, садақа бер.

\* 122 \*

Ўғлим! Кичик ишларни менсимай қўйма. Зеро, кичиклар вақт ўтиб катта бўладилар.

\* 123 \*

Эй, ўғлим! Ҳар қавмнинг бир ити бўлади. Сен қавмингнинг ити бўлма.

\* 124 \*

Эй, ўғлим! Ўлим тўсатдан келмасидан аввал тайёргарлигингни кўр. Унга қачон қовушмоғинг номаълум.

\* 125 \*

Ўғилгинам! Инсонларнинг ёмонларидан Аллоҳдан паноҳ сўра.

\* 126 \*

Ўғлим! Ҳикмат мискинларни ҳукмдорларнинг мажлисига қадар олиб боради.

**\*127\***

Мўмин киши оқибат ва натижани кўрганида пушаймонликдан амин бўлади.

**\*128\***

Соғлиқ каби бойлик, кўнгил хотиржамлиги каби неъмат бўлмас.

**\*129\***

Ҳеч яшамаслик йиллар давомида хато ичра яшамоқдан яхшироқдир.

**\*130\***

– Ҳикматни кимдан ўргандинг? – деб сўрадилар.

– Кўзи ожизлардан, чунки улар пайпаслаб текис жойни топмагунча қадам босмайдилар.

**\*131\***

“Бекорчилар ва безорилар билан кўчада ўтирма.”

**\*132\***

– Энг олим одам ким? – сўрашди Луқмони Ҳакимдан.

– Орзусига хилоф жараён этган дунё ҳодисаларига хафа бўлмаган киши.

**\*133\***

– Мазасини тотганни ром этувчи шарбат қайси?

– Шаҳват.

### **\*134\***

- Қайси олов уни тутатганни ёндиради?  
 – Ҳасад.

### **\*135\***

- Ҳеч вайрон бўлмайдиган бино қайси?  
 – Адолат биноси.

### **\*136\***

Азиз жигарбандим! Овқатланиш таомили шундайки, буткул тўймасдан овқатдан тийилган маъкулдир. Овқатланиш асносида таом билан сувни аралаштириб ичишлиқдан тийилгин. Бутунлай овқатланиб бўлгач ва таом ейиш асносида сув ичишдан сабр қилиб, кўп ҳам, оз ҳам бўлмаган даражада истироҳат қилиб, бир оз дам олгандан сўнг сув иссанг бўлади.

### **\*137\***

- Тўрт нарса қайтиб келмайди:
- 1) Оғиздан чикқан сафсата;
  - 2) Бошдан ўтган фалокат;
  - 3) Мўлжал томон отилган ўқ;
  - 4) Умрдан ўтган кунлар.

### **\*138\***

- Икки нарса инсонни икки нарсага етказади:
- 1) Сабр – муродга.
  - 2) Қаноат бойликка етказади.

\*139\*

Бир куни Довуд пайғамбар Луқмондан:  
– Қандайсан? – дея сўради.  
– Мен бошқа кудрат тасарруфи остидаман, –  
дeя жавоб берди Луқмон.

\*140\*

Яна Довудга айтгани:

– Сабр ва сукут ҳикмат, унга амал қилган озdir.

\*141\*

Дунёда ҳар турли дардни тортдим, камбағалликдан аламлироғини кўрмадим.

\*142\*

Озга қаноат қилсанг, дунёда сендан бой одам бўлмайди.

\*143\*

Ўғлим! Бировнинг ризқига очкўзлик (ҳасад) билан боқма, бекорга изтироб чекишдан қутуласан.

\*144\*

Доимо овқатга тўқ, ҳикмат (илм)га оч бўл.

\*145\*

Сўзни юмшоқ сўзла, қаттиқ сўзлама.

\*146\*

Ахмоқларни, жоҳилларни сукут билан кутиб ол.

**\*147\***

Инсонларнинг ҳақиқий моли охират заҳира-  
сидир.

**\*148\***

Вақтингнинг кўпини сукут билан ўтказ. Тафак-  
курдан холи бўлмаки, тилинг балосидан қутулгайсан.

**\*149\***

Ўзингдан катталар билан тортишма ва уларга  
қайсарлик қилма.

**\*150\***

Халққа кулар юзли, тўғри сўзли бўл.

**\*151\***

Салом беришни одат қил.

**\*152\***

Зинхор аҳдига содик бўлмаганларнинг ёнига  
борма.

**\*153\***

Ота-она ҳаққига риоя эт.

**\*154\***

Қилич нақадар порлоқ бўлса-да, кесувчидир.

**\*155\***

Жоҳил одам нақадар чиройли бўлса ҳам, у  
билин кўришмоқдан эҳтиёт бўл. Зеро жоҳилнинг  
чиройли юзи ёмон феъл-авторини кеткизмайди.

**\*156\***

Сенда йўқ фазилат билан халқ сени мақтаса,  
асло мағрур бўлмагин.

**\*157\***

Ўзингдан кичкинага паст назар билан қарама.

**\*158\***

Ўз молингни зое этиб, бегоналарни ислоҳ  
килишга уринма.

**\*159\***

Ёмон аёлларнинг ҳийлаларидан эҳтиёт бўл.

**\*160\***

Бечорани таҳқирлама, кибрли ва мағрур бўлма.

**\*161\***

Дўстлар мушкул пайтларда билинади.

**\*162\***

Яхши кишилар билан кўришмоқ лозим.

**\*163\***

Ёмон кимсаларга айтилган аччиқ сўз қиличдан  
кескирдир.

**\*164\***

Дўстлар кўнглини оғир сўзлар билан ранжитма.  
Болта инсон вужудини, аччиқ сўз жонини оғритади.

**\*165\***

Кибр ва ғазаб кибрли ва ғазабнок одамнинг бошига мусибатлар олиб келади.

**\*166\***

Яхшилик қилувчи кимсалар ҳамманинг дўстлигига сазовор бўладилар.

**\*167\***

Ғарибларга дўст бўл, иқбол соҳибларининг шундок ҳам дўстлари кўп.

**\*168\***

Эй, отасининг жигар пораси, Ҳак таолони танигин.

**\*169\***

Бошқасига насиҳат беришдан аввал ўзинг ўша тавсияга амал қил.

**\*170\***

Ўз ўлчовингга кўра гапир.

**\*171\***

Ҳамманинг ҳаккига риоя эт.

**\*172\***

Сирингни сақла.

**\*173\***

Аҳмоқ ва жоҳил кимсалардан узок тур.

**\*174\***

Оқил ва доно дўстни танла.

**\*175\***

Бир ишга бошлаётганингда ахлоқли ва билимли (тажрибали) кишилардан маслаҳат ол.

**\*176\***

Далил ва исботинг тайёр бўлгандан сўнг гапир.

**\*177\***

Ёшлигингни ғанимат бил.

**\*178\***

Ёшлик пайтингда икки дунёга оид ишларинг тўғри бўлсин.

**\*179\***

Дўстларинг ва аҳбобларингга иззат-икром кўрсат.

**\*180\***

Олимларнинг бир куни жоҳилнинг бутун бошли ҳаётидан хайрлироқдир.

**\*181\***

Ота-онангни ғанимат бил, уларга эҳтиромда нуқсонга йўл қўймай, тажриба ва панд-насиҳатларидан фойдаланиб кол.

**\*182\***

Яхши устозни ота ўрнида кўр.

**\*183\***

Хар ишда ўрта холли бўл.

**\*184\***

Сахийликни одат қил.

**\*185\***

Мехмонга қандай хизмат лозим бўлса, адо эт.

**\*186\***

Ҳамма билан яхши муносабатда бўл.

**\*187\***

Фарзандларингнинг таълим ва тарбиясига эътибор бер.

**\*188\***

Имкон бўлса, отга миниш ва камон отишни ўрган.

**\*189\***

Вужудинг ва кийим-бошингни тоза тут.

**\*190\***

Оёқ кийимингни ўнг оёғингдан бошлаб кий, ечаётганингда чап оёғингдан бошла.

**\*191\***

Ҳаммага савиясига қараб муомала эт.

**\*192\***

Оз ейиш, оз уйқу ва оз сўзлашни одат қил.

**\*193\***

Ўзинг ёқтиргмаган нарсани бошқаларга раво кўрма.

**\*194\***

Киладиган ишларни билиб ва ўйлаб бажар.

**\*195\***

Билмайдиган нарсада ўзингни билағон қилиб кўрсатма.

**\*196\***

Аёлга ва болага сир айтма.

**\*197\***

Бирорларнинг роҳат-фароғати ва саодатига кўз олайтирма.

**\*198\***

Бетайин кимсалардан вафо кутма.

**\*199\***

Бирор нарсага бефарқ муносабатда бўлма.

**\*200\***

Сенга эҳтиёжини арз этган кимсани ноумид ва маъюс қолдирма.

**\*201\***

Эски жанжалларни эсга олма.

**\*202\***

Молингни дўстга, душманга ошкор қилма  
(молинг билан мақтанма).

**\*203\***

Қариндош-уруглар билан алоқани узма.

**\*204\***

Яхши инсонларга қарши гапирма.

**\*205\***

Ўзингни яхши кўрма.

**\*206\***

Бошқаларнинг манфаатига шерик бўлма.

**\*207\***

Бармоқларингни оғиз-бурнингга суркама.

**\*208\***

Ҳамманинг ёнида тишлиларингни ковлама.

**\*209\***

Оғиз-бурнингни овоз чиқармай тозала.

**\*210\***

Бармоғинг билан тишилнгни ковлама.

**\*211\***

Ҳамманинг ичида эснаётганда оғзингни  
кўлинг билан ёп.

**\*212\***

Бирони бошқалар олдида хижолат қилма.

**\*213\***

Айтилган бемаъни сўзни яна сўрама.

**\*214\***

Кулгили гап айтишдан сақлан.

**\*215\***

Ўзингга аёлларга ўхшаб оро берма.

**\*216\***

Биронинг ёнида ўзингни ва оилангдан бирини мақтама.

**\*217\***

Болаларнинг истак-хоҳишларига эргашма.

**\*218\***

Тилингга эҳтиёт бўл.

**\*219\***

Гапираётганда кўлингни қимирлатма.

**\*220\***

Ҳаммага ҳурматли бўл.

**\*221\***

Ёмон кимсалар билан дўст бўлма.

**\*222\***

Ўлган кишини бекорга ёмонлама.

\*223\*

Кўлингдан келганича уруш-жанжал ва низодан нари тур.

\*224\*

Кучингни бекорга ишлатишга кўп уринма.

\*225\*

Ўзингни нонингни боиқанинг дастурхонидан ема.

\*226\*

Шошилинч иш қилма.

\*227\*

Дунё ишларига бехуда хафа бўлма.

\*228\*

Сени танишни хоҳлаганларни сен таниб ол.

\*229\*

Ғазабланганингда сўзингни тортиб гапир.

\*230\*

Бурнингдан оқаётган сувни енгинг билан артма.

\*231\*

Ҳамманинг олдида овқатланма.

\*232\*

Йўлда кетаётганда катталардан олдинда юрма.

\*233\*

Бирор гапираётганда орага гап қўшма.

**\*234\***

Күёш чиқаётган пайт ухлама.

**\*235\***

Бошиングни тиззаларинг устига қўйма.

**\*236\***

Ўнг-чапга аланглама, доимо олдингга бок.

**\*237\***

Иложи борича эгарланмаган, жиловланмаган отга минма.

**\*238\***

Меҳмоннинг ёнида ҳеч кимни койима.

**\*239\***

Меҳмонга иш буюрма.

**\*240\***

Телба ва маст одамга галирма.

**\*241\***

Бетайин, дайди одамларнинг ёнида ўтирма.

**\*242\***

Фойда ва зарар дардида ҳеч кимнинг олдида юзингни шувут қилма.

**\*243\***

Такаббур бўлишдан сақлан.

**\*244\***

Хеч кимнинг сен билан душман бўлишига йўл  
кўйма.

**\*245\***

Жанжал ва шовқин-сурондан узоқ тур.

**\*246\***

Пулсиз юрмасликка одатлан.

**\*247\***

Тавозедан айрилма.

**\*248\***

То ҳаёт экансан, Аллоҳга чин ихлосли,  
мутаважжих (юзланувчи, йўналувчи) ва мутаваккил  
(таваккал килувчи) бўл.

**\*249\***

Эй, ўғил! Саодат нишонаси тўртта:

- 1) Тўғрилик;
- 2) Адаб;
- 3) Хилм (хушмуомалалик);
- 4) Омонатни эгасига бермоқ.

**\*250\***

Болам! Сендан бирор нарса сўрамасдан  
хабар берма ва гапирма.

**\*251\***

Ўғлим! Дўстларинг бир нарса сўраса рад этма!  
Бироқ Аллоҳнинг истаганидан бошқа турли ҳара-  
катлар қиладиган даражада ҳаддан ошма.

**\*252\***

Адолат шундай биноки, асло вайрон бўлмас.

**\*253\***

Тўғри сўзла, бироқ қўпол бўлмасин.

**\*254\***

Халққа яқин бўл, тўғри сўзли бўл.

**\*255\***

Шубҳа сени ҳеч ким билан дўст қилмас.

**\*256\***

Душман доимо душмандир.

**\*257\***

Сўралмасдан ҳеч нарсага аралашма.

**\*258\***

Фитна-фасодчилар билан яшаганларнинг  
феъли уларга ҳам ўтади.

**\*259\***

Фурсат қўлингда экан, инсонлар билан яхши  
муомалада бўл. Йиқилганингда сени турғизадиган  
улардир.

**\*260\***

Шошилиш сабрга монедир – муродингга етол-майсан.

**\*261\***

Нонкўрларга яқин йўлама – яхшилик ва ўгитларинг йўқолади.

**\*262\***

Яхшилик инсоннинг хавфсизлик камариdir.

**\*263\***

Яхшилика дўст-душманни ажратма.

**\*264\***

Сукут саломатлик эшигини очувчи ягона калитdir.

**\*265\***

Чирой бадфеълликни ва жаҳолатни кетказолмайди.

**\*266\***

Жўмард бўлки, эътиборинг ошсин.

**\*267\***

Инсонни юксалтирувчи ақлиdir.

**\*268\***

Шукур неъматга барака беради.

**\*269\***

Эплаган учун оз мол сарф этилган күп молдан яхшидир. Чунки эп-зеб билан ишлатилган мол күпаяди, исроф қилингандык мол озаяди.

**\*270\***

Бирорларга ақл ўргатгунча ўз ахволингни ҳам таҳлил қилиб күр.

**\*271\***

Тўғри бўлса-да, қасам ичма.

**\*272\***

Яхшилик дўст орттиради.

**\*273\***

Сабр муродга, қаноат бойликка етказади.

**\*274\***

Бақириб-чақириш овозларнинг энг хунугидир.

**\*275\***

Аллоҳ ва ўлимни ёддан чиқармаслик керак.

**\*276\***

Ҳакимлар аҳмоқликка даво тополмайдилар.

**\*277\***

Бойлик душманлиги инсонга изтироб беради.

**\*278\***

Қаноат бойликка бошловчи зинапоядир.

**\*279\***

Жим бўл ва ўйла... Тил балосидан қутулишнинг давоси шудир.

**\*280\***

Сени тушунмайдиганларга борма.

**\*281\***

Ёзда сойдан, қишда кўзадан сув ичма.

**\*282\***

Очкўзлик баданинг энг катта душманидир.  
Иштаҳасизлик ҳам шундай.

**\*283\***

Ювингач маълум пайт ўраниб ётмоқ лозим.

**\*284\***

Овқатдан сўнг юриш керак.

**\*285\***

Оёғингни иссиқ тут, бошингни салқин...

**\*286\***

Жанжалдан ҳазар қил. Ноўрин ҳеч ким билан хусуматлашма.

**\*287\***

Сирингни болага ва девонага айтма.

**\*288\***

Мағрур бўлма.

**\*289\***

Ўз ҳолингга назар сол (аввал ўз айб-нуқсонингни кўр), бировларнинг айбини суриштирма.

**\*290\***

Тилингни алфози куфрдан (сўкиш, ёмон, таҳликали сўзлардан) аспа.

**\*291\***

Садақани тарк этма; закотни ман этма.

**\*292\***

Бироғга яхшилик қилган бўлсанг, яхшилигинги ни айтиб, уни уялтириб камситма. Бироғга ичирган ва едирганингни миннат қилиб, заҳарга айлантирма!

Эвазига нарса кутиб қилинган яхшилик яхшилик ҳисобланмайди, балки у оддий олди-бердидан иборат, холос...

Муруват майдонининг шаҳсувори бўлай десанг, ғараз билан иш қилиб, эвазига бироғдан фойда олишни ўйлама!

**\*293\***

Тавба ва истиффорда бардавом бўл; ёмонликни ташла, сидқидилдан тавба қилиб, тавбангни бузма.

**\*294\***

Ҳаммом ўта фойдалидир. Сувда шифо бордир. Ҳаммомда эса шифонинг шифоси. Лекин ҳаммомнинг икки эшиги бўлиши керак: биридан кириш, иккинчисидан чиқиш лозим.

**\*295\***

Лукмони Ҳаким ошқозонидан шикоят қилиб келган бир кишига бундай тавсия берди:

– Овқатдан сўнг ё сирт усти ёт, ё қирқ қадам ташла.

**\*296\***

Пиёзнинг хоми зарар, пишгани ярап (фойдали).

**\*297\***

Деворни нам, инсонни ғам йикитади.

**\*298\***

Кишининг иши нима бўлса, туши ҳам шудир.

**\*299\***

Ёшлигида тез кетган тез қарийди.

**\*300\***

Эй, ўғлим! Жанозада иштирок эт. Чунки жаноза сенга охиратни эслатади. Ҳаром ва гуноҳлар эса сенинг дунёга бўлган майлингни орттиради.

**\*301\***

Эй, ўғлим! Ёлғон гапирган кимсанинг нури кетади, бадфेъл кимсанинг ғам-алами кўпаяди. Гапга тушунмайдиган кишига бир гапни уқтиришдан қоя тошни жойидан қимиirlatiш осонроқдир.

**\*302\***

Гапирмоқчи бўлганингда яхшилаб ўйлаб гапир. Ҳеч ким “уф” демасин.

### **\*303\***

Эй, ўғлим! Аллоҳ таолони зикр этувчи инсонларни кўрсанг, улар билан бирга ўтири. Олим бўлсангда илмингнинг фойдасини кўрасан ва илминг зиёда бўлади. Илминг бўлмаса, сенга ўргатадилар. Ҳак таоло уларга ёғдирувчи раҳматидан сени ҳам фойдалантиради.

### **\*304\***

Эй, ўғлим! Марҳамат кўрсатган марҳамат топади. Сукут қилган саломат бўлади. Яхшиликдан гапирган фойда кўради. Ёмон гапирган гуноҳкор бўлади.

### **\*305\***

Эй, ўғлим! Инсон хасис бўлса, у ҳакида ёмон гап-сўзлар кўпаяди.

### **\*306\***

Эй, ўғлим! “Аллоҳ таоло гуноҳларим учун менга жазо бермайди”, – дея хотиржам ҳам бўлма. Унинг раҳматидан ҳам умидингни узма.

### **\*307\***

Душман душманлигини осонликча ташламайди. Ҳар дўстингга ишонма.

### **\*308\***

Сирингни сакла, кам гапир.

### **\*309\***

Сўзингга содик бўл.

**\*310\***

Камбағалларни таҳқирлама.

**\*311\***

Улуғларнинг насиҳатларига риоят эт, уларнинг сұхбатидан фойдалан.

**\*312\***

Соф эътиқодингни ўзгартирма.

**\*313\***

Ҳаммага ҳам ҳалим (мулойим) бўлма.

**\*314\***

Оз одам билан яқин муносабатда бўл.

**\*315\***

Сен билан душманлиги барҳам топган кимсага ишонма.

**\*316\***

Мустаким (тўғри, дуруст) бўл.

**\*317\***

Мусибатга сабрли бўл.

**\*318\***

Халққа мутавозе бўл.

**\*319\***

Заммом (ёмонловчи ва фийбатчи) бўлма.

**\*320\***

Хеч кимнинг кўнглига озор берма.

**\*321\***

Ҳамманинг кўнглини хуш тут.

**\*322\***

Ярамас кимса билан улфат бўлма.

**\*323\***

Ҳийлагар ва сохтакор бўлма.

**\*324\***

Жанобатдан (ифлос бўлгандан) каромат кутилмас.

**\*325\***

Эй, ўғлим! Сўзни ширин сўзла; қаттиқ, кўпол, дағал сўз айтма. Кўпроқ жим тур. Тафаккур кил. Ўшанда тил балосидан омонда бўласан.

**\*326\***

Эй, ўғлим! Ҳар ҳолингда Ҳақ таолога юкин. Ҳар ишни Ундан деб бил!

**\*327\***

Эй, ўғлим! Ёмонликдан ва шошқалоқликдан сақлан. Бу икки хислатдан хунук нарса йўқ. Мард удирки, ҳар хусусда яхши ва ёмонга сабр қилгай. Бошқаларга хушмуомала ва иззат-икром кўрсатгай. Жоҳиллардан сирини сақлагай, олчоқлар сухбатидан қочгай.

### **•328•**

Эй, ўғлим! Қиличнинг ялтироқлигига маҳлиё бўлма. Унинг феъли (иши) ёмондир.

### **•329•**

Эй, ўғлим! Соғлом илм, маърифат ва сабрни касб қил. Аллоҳ ҳаром қилган нарсалардан узок юрсанг дунёдаги зоҳид ва комил инсон бўлурсан.

### **•330•**

Эй, ўғлим! Ёмон хулқ, ичи торликдан, паришонҳолликдан сақлан. Сабрсиз бўлма, акс ҳолда ўртоқ тополмайсан. Ишингни меҳр билан билан бажар, қийинчиликларга чида. Барча инсонларга хушмуомалали бўл. Чунки инсонларга хушмуомалали ва кулар юзли бўлганларни ҳамма яхши кўради.

### **•331•**

Эй, ўғлим! Бир қавм тўпланган жойга борганингда аввал уларга салом бер, кейин бир четга ўтириш ва улар гап бошламасдан сен гапирма. Шояд Аллоҳ зикри, эзгуликлардан гап бошлашса, сен ҳам кўшил. Бекорчи, беъмани гапларга киришиб кетишса, у ердан узоклаш.

### **•332•**

Эй, ўғлим! Тилига эгалик қилмаган охири пушаймон бўлади. Кўп баҳс-мунозара қилган мало-матга қолади. Ёмон ишлар қилинаётган жойларга киргандар у ердаги ёмон ишларни қилишда

айбланишади ва тухмат остига қолишади. Ёмон кимсага ўртоқ бўлган, ёмонликдан кутула олмайди. Яхшига ёндошган эса яхшиликларга эришади.

### •333•

Азиз дилбандим! Билмаганингни билувчилардан сўра. Билганингни билмаганларга ўргат. Аллоҳ таолони зикр этаётган қавм кўрганингда улар билан бирга ўтири. Шояд, улар Ҳақнинг раҳматига эришган бўлсалар. Сен ҳам улар туфайли раҳматга эришгайсан.

### •334•

Эй, ўғлим! Аллоҳдан шундай қўрқки, бу қўрқув сен билан умидинг орасига кирсин; сенинг умидингни батамом кессин. Бироқ Аллоҳдан шундай умидвор бўлки, бу сен билан қўркувинг орасига кириб сендаги қўркувдан асар ҳам колдирмасин.

Шунда ўғли: “Отажон! Менинг бир қалбим бор. Қалбимни қўркув билан тўлдирсам, бу менинг умидимга моне бўлади. Қалбимни умидга тўлдирсам, бу умидим ҳеч бир қўркувга қалбимда жой бермайди-ку”, – деди.

Лукмони Ҳаким: “Эй, ўғил! Мўминнинг шундай бир қалби борки, гўё у икки қалб кабидир. Бири билан Аллоҳнинг раҳматидан умидвор бўлади, униси эса Ҳақнинг азобидан қўрқади. Яъни, мўмин умид ила қўркув орасида бўлади. Фақат умид қилиб азобдан

хотиржам ҳам бўлмайди, на қўркувга тушиб, Аллоҳнинг раҳматидан умид узмайди” – деди.

### •335•

Бир кун Довуд алайҳиссалом темир толадан нимча тўкир экан, Луқмони Ҳаким бориб буни нима қиласиз, дея сўрамокчи бўлди. Лекин бефойда сўздан ўзини тийиш учун жим турди. Довуд алайҳиссалом нимчани тугатиб кийди ва “Нақадар яхши муҳофаза қилувчи кийим!” – деди. Луқмони Ҳаким сабр қилиб жавобни олганидан севиниб: “Сукут ҳикматдир, аммо ҳамманинг ҳам фойдасига эмас”, деди. Ҳазрат Довуд вазиятни фаросат билан билиб: “Сенга Ҳаким дейишлари бекорга эмас экан”, – дедилар.

### •336•

Бир куни Довуд алайҳиссалом Ҳазрати Луқмонга: “Бир қўй сўйиб танасидаги энг яхши икки парчани келтириш” – деди. Луқмони Ҳаким тили билан юрагини олиб келди. Бошқа сафар “Энг ёмон жойларини олиб кел” – деди. Яна тил билан юрак олиб келди. Сабаби сўралганда: “Тил билан юрак (калб) яхши бўлса, барча яхшиларнинг яхшиси бўлади, ёмон бўлса, барча ёмонларнинг ёмони бўлади”, – деб инсоннинг яхшилик ва ёмонлигининг тил ва қалбига боғлиқ эканига ишорат қилди.

**\*337\***

Эй, ўғлим! Ёлғондан сақлан, зеро у чумчук гүшти каби шириндир. Ундан кам инсонлар омондалар.

**\*338\***

Эй, ўғлим! Уч нарса, уч нарса билан билинур: Ҳилм (мулойимлик, хушфеъллик) ғазаб онида, шижаат жанг майдонида, биродарлик эҳтиёж онида.

**\*339\***

Эй, ўғлим! Дунёни сот, охиратни ол. Бу тижоратингда икки томонлама фойда кўрасан. Зинҳор охиратингни сотиб дунёни олма. Зеро бу билан ҳар икки томондан заرارга учрайсан.

**\*340\***

Ўғлим! Қалбинг қаттиқ бўлган ҳолда инсонлар сенга ҳурмат кўрсатишлари учун ўзингни Аллоҳ таолодан кўрқадиган қилиб кўрсатишга уринма.

**\*341\***

Ўғлим! Илм сухбатларига қўшил, бироқ олимлар билан мужодала этиб, уларнинг дилини оғритма.

Дунёдан керагинигина ол, ортиғини охиратинг учун инфок-эхсон қил. Қийналиб, бировга юқ бўладиган шаклда ҳам дунёга бефарқ бўлма. Рўза тут, бироқ рўзанг шаҳватингни тўссин. Пасткаш кимсаларнинг сухбатларига қўшилма, риёкорларнинг орасига кирма.

**•342•**

Эй, ўғлим! Сафарга чиққанингда, ипинг, тароғинг, ойнанг, сен ва шерикларингга етажак дори-дармонинг ёнингда бўлсин. Гуноҳга бошламасалар, ўртоқларинг билан келишиб йўлда давом эт.

**•343•**

Луқмони Ҳакимдан ўғли сўради:

- Эй отажон! Бир инсон учун энг яхши хислат нима?
- Диндир, – деди Луқмони Ҳаким.
- Икки хислат бўлса-чи?
- Дин ва мол.
- Уч хислат бўлса?
- Дин, мол ва ҳаё.
- Тўртта бўлса?
- Дин, мол, ҳаё ва гўзал ахлок.
- Беш хислат бўлса-чи?
- Дин, мол, ҳаё, гўзал ахлоқ ва саховат.
- Олтита бўлса-чи?
- Эй, ўғлим! Бир инсонда бу беш хислат ийғилса, у инсон баҳтли, комил ва Аллоҳга яқин куллардан бўлиб, шайтондан узоклашади.

**\*344\***

Үғли давом этиб яна сүради:

- Эй, отажон! Энг ёмон хислат нима?
- Энг ёмон хислат куфрдир.
- Энг ёмон икки хислат нима?
- Куфр ва кибр.
- Уч бўлса?
- Куфр, кибр, шукур озлиги, яъни оз шукур килиш.
- Тўрт ёмон хислат-чи?
- Куфр, кибр, оз шукур, хасислик.
- Бешта бўлса?
- Куфр, кибр, оз шукур, хасислик ва ёмон ахлоқ.
- Эй, отажон! Улар олтига бўлса-чи?
- Болам! Бу беш ёмон хислат кимда йифилса, у кимса бахтсиздир, Аллоҳ таолодан узоқдир.

**\*345\***

Ўғлим! Оқибатини ўйлаган пушаймонликдан омонда бўлади.

**\*346\***

Кичиклигига тарбия қилсанг, вояга етганда фойдасини курасан.

**\*347\***

Ёмон исм билан хеч кимни ёдга олма. Ҳаддан ошиб нафсингни халққа устун кўрсатма.

### **\*348\***

Эй, ўғлим! Олимлар олдида мақтамок, ақлсизларга ўжарлик қилиш, йиғинларда ўзини күрсатиш учун илм ўрганма. Эҳтиёж йўқ, дея илмни ташлаб ҳам қўяма.

### **\*349\***

Болажоним! Сақланиш лозим бўлган бир хусусдан сақлан! Бу эса шудир: Инсонлар сени Аллоҳдан қўрқадиган деб билганлари ҳолда қалбингнинг фожир, яъни гуноҳ ила тўла бўлмоғидир. Бу хусусда ҳадиси шарифда айтилган: “Ботинини (ичини) ислоҳ қилган кишининг ташини Аллоҳ таоло ислоҳ этар”.

### **\*350\***

Эй, фарзанд! Сенга дўст бўлганларни қийин пайтларда синагин.

### **\*351\***

Абдуллоҳ ибн Ваҳб айтади: Бир киши Луқмони Ҳакимга:

– Инсонлар сенга келиб, сўзингни тинглашларига ҳайронман, – деди.

– Эй қардомим. Сенга айтганларимга қулоқ берсанг, сен ҳам шундай бўласан, – деди унга Луқмони Ҳаким ва илова этди:

– Мени бу мартабага кўтарған нарсалар: кўзимни ҳаромдан асрашим, тилимни тийишим, таомланишда иффатли ва меъёр сақлашим, номусимни ҳимоя қилишим, тўғрини сўзлашим, аҳдимга вафо, меҳмонимга иззат-эҳтиром кўрсатишум, қўшнимни

ҳимоя қилишим ва менга алоқаси бўлмаган нарсаларни тарк этишим.

### \*352\*

Ақлли кимса яхшиликка интилиб, ёмонликлардан қочади. Чунки қилинган бирор иш Аллоҳ таолодан яширин қолмас ва йўқолиб ҳам кетмайди. Ҳамма қилгулигининг эвазини олади. Нуқсон сифатларидан пок Аллоҳ таоло ўғлининг Луқмони Ҳакимдан:

– Эй отажон! Агар мен ҳеч ким кўрмайдиган жойда гуноҳ содир этсам, якка-ю ёлғиз Аллоҳ таоло у гуноҳни қандай билади? – деб сўраганида, отаси Луқмоннинг берган жавобини қуидагига баён килади:

– Эй болам! Дарҳақиқат (қилган яхшилик ва ёмонлигинг) бир хардал донаси қадар кичик бўлса-да, бир қоятош ичидан ё кўкларда ёхуд ер остида (яширин) бўлса-да, Аллоҳ уни келтирур. (Ўртага чиқарур ва ҳисобини қилур). Чунки Аллоҳ Латифдир (илми ҳар қандай яширин нарсага етади), Хабийрдир (Ҳар нарсадан хабардор Зотдир).

### \*353\*

Эй, ўғил! Рўза ва риёзатни (нафсни тарбиялаш мақсадида озга қаноат қилиш, нафсни тергаш) вужуд севмайди. Гўзал ахлоқ ва ибодатни ҳам нафс ёқтирамайди. Зеро, нафс ҳар ёмонлик ва ҳою ҳаваснинг манбаидир.

### \*354\*

Ўғлим! Жоҳилнинг муҳаббатига рағбат кўрсатма. Жоҳил қилгуликларидан сени рози бўляпти, деб ўйлади.

### \*355\*

Азиз фарзанд! Ёлғондан сақлан. Ёлғон динингни бузади. Инсонлар олдида муруватнинг камаяди; обрўйинг кетади. Бинобарин, уят туйғунг озаяди, иззат ва улуғлигинг кўлдан кетади. Гапирсанг, сени ҳеч ким эшиitmайди. Бир гап айтсанг сени ҳеч ким тасдиқламайди. Ахвол шундай бўлгач, ортиқ яшашингда хайр йўқ.

### \*356\*

Эй, ўғил! Жоҳил кимсани (ишинг учун) элчи қилиб юборма. Ҳаким (доно) бирини тополмасанг, ўз-ўзингга элчи бўл (ўз ишингни ўзинг ҳал қил).

### \*357\*

Эй нури дийдам! Ўзингни унутиб, бошқаларни яхшиликка буюрма. Унда сен қандилга ўхшайсан. Қандил бошқаларга нур таратиш учун ўзини ёқиб тутатади.

### \*358\*

Болажон! Унчалик ширин бўлмаки, ҳалқ сени еб-ютмасин. Кўп ҳам аччиқ бўлмаки, оғизларидан отишмасин.

### \*359\*

Эй, ўғлим! Сенга бир неъмат келганида буни Аллоҳдан деб бил.

### **\*360\***

Ўғлим! Агар бир киши билан дўст бўлмоқчи бўлсанг, аввал бир баҳона билан унинг жаҳлини чиқар. Қарачи, нима қиларкин. Агар жаҳлдор ҳолида ҳам сенга яхши муомалада бўлса, уни дўстликка қабул қил...

### **\*361\***

Инсонлар уч дона учдан бирга айрилишади: Учдан бири Аллоҳ учун, учдан бири нафси учун, учдан бири қабрдаги курт-қумурскалар учун. Аллоҳга оид бўлган учдан бири унинг руҳидир. Нафсига оид учдан бир у дунёда қилган амалдир. Курт-қумурскаларга оид учдан бир унинг баданидир.

### **\*362\***

Болам! Ким нафсининг насиҳатгўйи бўлиб, уни ёмонликлардан қўриса Азиз ва Жалил Аллоҳ уни ҳимоясига олади. Ким инсонларга раҳм-шафқат ва фидокорлик қилса, Аллоҳ бу туфайли унинг иззатини оширади.

Аллоҳ таолога ибодат хусусида нафсни залил айлаш (хорлаш) гуноҳ билан азиз айлашдан яхшироқдир. Умид қилганингни Азиз ва Жалил Аллоҳдан кут. Аллоҳ таолога гуноҳ-маъсиятда ҳаётингда давом этсанг, ҳаёт суви тўхташини билиб кўй. Мақтоворга лойиқ Аллоҳдан ҳақ-рост кўрк. Шони улуғ Аллоҳнинг раҳматидан умид узма.

### \*363\*

Эй, ўғил! Қаноат жуббасини бошингга торт. Ҳаққа таважжұх ила (Униёдга олиб тафаккур билан) ўтири. Күлингдагилардан фақирларға бер. Билки дунёнинг бир мисоли бундай: Бу дунё сояға ўхшайды, сен уни тұхтаб турибди, деб ўйлайсан, бирок у юради. Аммо юрганини күролмайсан. Бир оздан сўнг қарабсанки йўқолибди.

### \*364\*

Эй, ўғил! Омонат ва қаноат аҳли бўл, токи бой бўлгайсан.

### \*365\*

Эй, ўғлим! Сени илк огохлантирадиганим нафтингдир. Чунки ҳар нафснинг бир ҳавоси, нафсоний истаги бор. Агар нафсга нафсоний истакларини берсанг, янада йўлдан озади ва бошқа нарсалар истай бошлайди. Чақмоқ тошда олов яширин бўлгани каби нафсоний орзуладар ҳам қалбда яшириндир; ёқсанг порлар, ўз ҳолига қўйилса, яширинади.

### \*\*\*

Болажоним! Яхшиликни билмаганга яхшилик қилма ва насиҳат берма – зое кетади. Чунки марқабга заъфарон берсанг ҳам ейди ва қанча сомон берсанг ҳам ейди – фарқи йўқ.



Луқмони Ҳакимдан:

– Дунёни нима деб тушунасиз? – деб сўрадилар?

– Дунё икки эшикли манзилга ўхшайди, биридан кирилади ва иккинчисидан чиқиб кетилади, – деб жавоб берди у.



Ғазабингни мулойимлик билан, енгилликни вазминлик билан, нафснинг ҳою ҳавосини тақво билан, шубҳа-гумонни ҳақиқат билан, ботилни ҳақ билан, баҳилликни ўз молинг билан енггин.



*2000 суръ*

# ЛУҚМОНИ ҲАКИМДАН ЎҒЛИГА 365 ЎГИТ

*Муҳаррир:*  
**Акрам Декон**

*Техник муҳаррир:*  
**Файзулло Азизов**

*Рассом:*  
**Шуҳрат Одилов**

«Муҳаррир» нашриёти  
Лицензия: AI № 230. 2012 йил 16 ноябрь

Теришга 2013 йил 02 январда берилди.  
Босишга 2013 йил 10 январда рұксат этилди.  
Бичими: 60x84 1/16. «VirtecTimes» гарнитурасыда  
оффсет босма усулида оффсет қофозида босилди.  
4,00 шарт. б.т. 4,3 ҳисоб нашр. таб.  
Адади 2000 нұсха. 27-сон буюртма.

«Муҳаррир» нашриёти матбаа бўлимидан чоп этилди.  
100060, Тошкент шаҳри, Элбек кўчаси, 8-йй  
E-mail: Muhartir@list.ru